

ТУРИСТИК МАЖМУАЛАР РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ БОШҚАРИШНИНГ МЕТОДОЛОГИК ЁНДАШУВЛАРИ

Хомидов Қаххорали Қурбонали ўғли

Фаргона давлат университети

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

xomidovqahhoraliz@gmail.com

Аннотация. Ушбу мақолада туристик мажмуалар фаолиятини бошқариш жараёнида маркетинг, режаслаштириш, ташиқ этиш, мувофиқлаштириш, рағбатлантириш, ҳисоб ва назорат функциялари каби умумий функциялар билан биргаликда асосий фаолиятни бошқариш, қўшимча хизматларни бошқариш, хизмат сифатини бошқариш ҳамда меҳнат ва иш ҳақини бошқариш каби аниқ функциялар бажарилишини таъминловчи бошқаришнинг назарий-услубий жиҳатлари таҳлил қилинган.

Калит сўзлар. Бошқарув тамойиллари, туристик мажмуанинг имижиси, туристик мажмуа, бошқарув ёндашувлари, туризм хизматлари, менежментнинг қонунлари, ривожланиш тенденциялари, ривожланиш қонуниятлари.

Кириш. Жаҳонда тармоқ ва соҳаларнинг кооперациялашуви ва иқтисодий интеграциялашув жараёнларининг шиддатли ўзгаришлари асосидаги мультипликатив самарани ўзлаштиришга бўлаётган ҳаракатлар туризм соҳасида дестинацияларни ривожлантириш асосида иқтисодий тараққиётни таъминлашга, ҳудудларни мутаносиб ривожлантириш ва бу орқали аҳоли турмуш даражасини оширишга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. “...Туристлик фаолиятдан олинаётган даромадлар ҳажми 2020 йилда пандемиядан олдинги кўрсаткичга нисбатан 72 фоизга камайган. Бироқ, 2021 йил якуни бўйича туризм соҳаси ялпи хизматларининг ҳажми ўтган йилдаги кўрсаткичга нисбатан 4 фоизга ортган”. Туризм соҳасини ривожлантиришда мавжуд ва истиқболдаги имкониятларидан самарали фойдаланиш ҳамда туристик дестинацияларнинг рақобат устунлигини тадқиқот методологиялари асосида аниқлаш ҳамда фаолиятни стратегик бошқариш механизмининг такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

Жаҳонда туристик мажмуаларнинг барча тузилмаларини ривожлантириш ҳамда уларнинг рақобатбардошлигини стратегик бошқариш бўйича механизмларни такомиллаштириш борасида кўплаб илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда. Туристлик мажмуалар мамлакат ва ҳудудлар иқтисодиётига таъсирини аниқлаш, ҳудудларнинг туристик салоҳияти ва инфратузилма фаолиятдан самарали фойдаланиш, улар жойлашган ҳудудларга йўналтирилган инвестициялар кўламини ошириш, мажмуаларни кенгайтириш асосида туристик кластерларни шакллантириш, фаолиятини ривожлантириш ҳамда улардаги рақобатбардошликни бошқаришнинг механизмларини такомиллаштириш, мажмуаларнинг рақобатбардошлигига таъсир этадиган омилларни ҳисобга олган ҳолда иқтисодий-математик моделлаштириш, рақобат устунлигини таъминловчи кўп вариантли сценарийлардан фойдаланиш борасидаги тадқиқотлар бу борадаги илмий тадқиқотларнинг устувор йўналишларидан ҳисобланади.

Ўзбекистонда туризм соҳасини кенг қамровли ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ислохотларнинг келгусидаги босқичида туристик дестинацияларга тадбиркорлик субъектларини кенг қамровли жалб этиш ва уларга иқтисодий дастакларни янада кенгайтириш асосида фаолиятни ривожлантириш, туристик мажмуаларни ривожлантириш ҳамда рақобатбардошлигини бошқариш механизмларини такомиллаштириш орқали туристлар сонини оширишга алоҳида эътибор берилмоқда. “... 2026 йилгача туризм соҳасида банд бўлган аҳоли сонини 2 баравар ошириб, 520 минг нафарга етказиш, туризм ва маданий мерос объектлари инфратузилмасини ривожлантириш ҳамда 8 мингдан ортиқ маданий мерос объектларидан самарали фойдаланиш бўйича давлат дастурини қабул қилиш” вазифалари белгилаб берилди. Мазкур вазифаларни амалга оширишда туристик мажмуалар фаолиятини ривожланишида мавжуд туристик ресурс компонентларидан мақсадли фойдаланиш, дестинацияларнинг ҳудудий иқтисодиёт ривожланишига таъсир этувчи фаолият самарадорлигини ошириш, туристик мажмуалар рақобатбардошлигини ошириш имкониятларини кенгайтириш чораларини кўриш билан боғлиқ механизмларни такомиллаштиришни талаб этади.

Туристтик мажмуаларнинг рақобатбардошлик даражасини оширишнинг асосий омилларидан бири бу – туристик маконда мавжуд ресурслар (табiiй, антропоген ҳамда инсон ресурслари) дан самарали фойдаланилишини таъминловчи бошқарув тизимининг мавжудлиги ҳисобланади.

Туристтик мажмуаларда тадбиркорлик фаолиятини бошқариш тизими мажмуа доирасида бошқарув объекти ва субъектига эга бўлиб, бошқарув жараёнида аниқ белгиланган тамойиллар асосида белгиланган вазифаларни амалга ошириб боради ва бу билан мажмуадан фойдаланиш самарадорлигини таъминлайди. Самарали бошқарув тизими эса, ўз навбатида, туристик мажмуанинг имижини шакллантиради ёки оширади, мавжуд туристик ресурслардан олинаётган самарани оширади, мажмуа ҳудудидаги табiiй муҳитни кам ўзгариш билан сақлаб туришга муваффақ бўлинади. Жараён натижасида ушбу мажмуа тизимли бошқарувга эга бўлмаган, стихияли тадбиркорлик асосида фойдаланилувчи мажмуаларга нисбатан рақобат устунлигига эга бўлади.

Адабиётлар таҳлили. Ўзбекистонда туристик мажмуалар фаолиятини бошқаришнинг назарий жиҳатлари кўплаб иқтисодчилар томонидан ўрганилган бўлиб, булардан иқтисодчи олима М.Т.Алимова ўзининг “Ҳудудий туризм бозорининг ривожланиш хусусиятлари ва тенденциялари” номли докторлик диссертатсиясида туризм бозорида талаб ва таклифни мувофиқлаштириш, бошқарув концепсияси орқали туристик маҳсулотлар рақобатбардошлигини ошириш, туризм соҳаси ривожланишининг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш ҳамда ҳудудий туристик кластерни шакллантириш бўйича илмий мулоҳазаларни келтиради[1].

Шунингдек, МДХ олимлари С.Г.Сурков ва В.И.Криворучколарнинг “Международный туризм в России: проблемы развития и управления” номли асарида Россияда халқаро туризм бозори ривожланишининг асосий

йўналишлари ва интегратсион жараёнлар, туризм индустрияси субъектлари фаолияти, халқаро туризмни тартибга солиш механизмлари, халқаро туристик сиёсатнинг мақсадлари, вазифалари ва устувор бошқарув йўналишлари бўйича тадқиқотлар олиб борганлар[2].

Муаллифлар ўз асарида халқаро туризм ривожланишининг омиллари, глобаллашув жараёнларининг туристик мажмуалар бошқарув фаолиятга таъсири, туризм дестинатсияси ривожланиш хусусиятларига алоҳида эътибор қаратганлар. М.М.Рамадонова ва М.А.Макарченколارнинг “Государственное регулирование туристической деятельности” номли асарида туристик фаолиятни тартибга солиш усуллари, воситалари ва шакллари ёритиб берилган. Бунда туризм соҳасини бошқаришда давлатнинг ролига ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Бироқ асарда туристик фаолиятни бошқарув усуллари ва воситалари таснифи ишлаб чиқилмаган[3].

Тадқиқот методологияси: Мақолада туристик мажмуалар рақобатбардошлигини бошқаришнинг методологик ёндашувлари, мазкур йўналиш бўйича иқтисодчи олимлар ва мутахассисларнинг фикрларига таянган ҳолда диалектик ва тизимли ёндашув, қиёслаш, эмперик тадқиқот ҳамда қиёсий таҳлил каби усуллари орқали туристик мажмуалар фаолиятини бошқаришнинг ўстувор йўналишларини белгилаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

Асосий натижалар: Туристтик мажмуалар фаолиятини бошқариш жараёнларида менежментнинг қонунлари (ихтисослаштириш, интеграция, марказлаштириш, демократлаштириш ҳамда вақт қонунлари), шу билан бирга бошқарув тамойиллари (яккабошчилик ва коллегиялик, илмийлик, режалилик, бошқарув шакл ва усуллари тақомиллаштириб бориш, кадрлар танлаш ва жойлаштириш, агентларнинг мустақиллиги ва эркинлиги, шахсий ташаббус ҳамда жавобгарлик ва таваккалчилик) умумий ҳолда амал қилиб, улар бошқа тармоқлардаги ҳолатдан соҳадаги фаолиятни ташкил этишдаги хусусиятлардан келиб чиқиб фарқланади.

Бугунги кунда жаҳонда юз бераётган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар иқтисодий муносабатлар доирасида мавжуд ва асосланган қонуниятлар инсониятнинг тараққиёти билан боғлиқ равишда маълум бир даражада ўзгариши мумкинлигини кўрсатмоқда. Ана шундай тенденцияларнинг асосий қисми моддий ишлаб чиқариш соҳаларининг хизматлашув томон юз тутаётганлиги билан изоҳланади. XX асрнинг охиридан бошлаб бугунги кунгача бўлган даврда жаҳон миқёсида моддий ишлаб чиқариш соҳалари инсониятнинг глобал даражадаги ахборот коммуникация соҳасидаги ривожланиши билан боғлиқ ўзгаришлар таъсирида ўз фаолиятини хизматлар соҳаси билан бириктирган ҳолда олиб боришга ҳаракат қилмоқда. Бундай ўзгаришлар ушбу соҳада фаолият олиб бораётган турли ҳажмдаги корхоналарнинг рақобат устунлигини таъминлаётганлиги корхоналар фаолиятида хизматлашув даражасининг ортиб боришига олиб келмоқда.

Туризм соҳаси моҳият жиҳатидан бевосита хизматлар соҳаси таркибига кирса-да, соҳа фаолиятининг асосий қисми бевосита моддий ишлаб чиқариш корхоналари фаолиятига боғлиқ. Шу билан бирга туризм соҳасининг

ривожланиши моддий ишлаб чиқариш тармоқлари сингари жуда катта ҳажмдаги моддий воситаларни талаб қилмаслиги ҳамда фаолиятнинг табиий ресурслар мавжудлиги билан боғлиқлиги мамлакатимизда соҳани қисқа вақтда жадал ривожлантириш имконияти мавжудлигини кўрсатади. 2016 йилдан бошлаб мамлакат даражасида туризм хизматлари соҳасини ривожлантириш борасида олиб борилаётган тизимли ислохотлар ҳам соҳанинг мамлакат тараққиётини жадал ривожлантиришдаги “ўсиш” нуқталаридан бири бўлиши мумкинлигини кўрсатади.

Постиндустриал жамиятга ўтишдан бугунги кунгача бўлган ўзгаришлар таҳлили иқтисодий тизимларнинг саноатлашган иқтисодиёт, хизматлар иқтисодиёти ҳамда ўзгаришлар иқтисодиётига ўтиб боришини кўрсатади.

Фикримизча, иқтисодий ўзгаришларнинг кўриб ўтилаётган кетма-кетликда ривожланишининг асосий омили сифатида маҳсулот ёки хизматларнинг индивидуаллашувини кўрсатиб ўтиш тўғри бўлади. Чунки тараққиёт босқичларида коммодизация жараёнининг заифлашиб бориши ва, бир вақтнинг ўзида кастомизация жараёнининг кучайиб бориши кузатилади. Бу эса, жамиятда яратилаётган маҳсулот ва хизматларнинг истеъмолчиларнинг хоши (истак)ларидан келиб чиқиб, индивидуаллашиб боришини кўрсатади.

Туристик мажмуалар фаолиятини бошқариш жараёнида ҳам маркетинг, режалаштириш, ташкил этиш, мувофиқлаштириш, рағбатлантириш, ҳисоб ва назорат функциялари каби умумий функциялар билан биргаликда асосий фаолиятни бошқариш, кўшимча хизматларни бошқариш, хизмат сифатини бошқариш ҳамда меҳнат ва иш ҳақини бошқариш каби аниқ функциялар бажарилиши таъминланади[4].

Туристик мажмуалар соҳасида фаолият кўрсатувчи корхоналарнинг бошқариш тузилмаси деганда барқарор муносабатларда бўлган, уларнинг ишлаши ва ривожланишини таъминлайдиган ўзаро боғлиқ элементлар тўплами тушунилади. Бошқарувнинг ташкилий тузилмаси корxonанинг алоҳида қуйи тизимларининг таркиби, нисбати, жойлашуви ва муносабатларидан иборат. Бундай тузилмани яратиш, биринчи навбатда, корxonанинг алоҳида бўлинмалари ўртасида ҳуқуқ ва мажбуриятларни тақсимлашга қаратилади.

Бошқарувнинг ташкилий тузилиши доирасида бошқарув жараёни содир бўлади, унинг иштирокчилари орасида бошқарувнинг функциялари ва вазифалари тақсимланади. Шу нуқтаи назардан, ташкилий тузилма – бу корxonанинг мақсадларига эришишга қаратилган бошқарув жараёни содир бўладиган бошқарув фаолиятининг бўлиниши ва ҳамкорлиги шаклидир. Бошқарув тузилмаси турли хил алоқалар ўртасида тақсимланган барча мақсадларни ўз ичига олади, улар орасидаги алоқалар уларнинг бажарилишини мувофиқлаштиришни таъминлайди.

Туристик мажмуалар фаолиятининг шакллари, уни ташкил этишнинг мураккаблиги ҳамда кўп қирралилигини ўзида акс эттириши фаолиятни бошқариш ҳамда бошқарув самарадорлигида ўз аксини топади. Туристик мажмуалар фаолияти ва унинг таркибий қисмларига ёндашувларда айрим тадқиқотчилар туристик хизмат корxonалари жойлашган ҳудуднинг яхлитлигига

алоҳида эътибор қаратишган бўлса, айрим тадқиқотчилар туристик ресурсларнинг ҳудуд билан боғлиқлигига аҳамият берган.

Туристлик мажмуалар фаолиятини бошқариш яхлит ҳудуд доирасида жойлашган, ўз фаолиятини ягона мақсадга йўналтирган бир қанча соҳа ва тармоқларга тегишли корхоналардан ташкил топганлиги бошқарув жараёнини тизимли ёндашув асосида ташкил этиш лозимлигини кўрсатади.

Ҳозирги кунда туризм, жумладан, туристик мажмуалар фаолиятидаги назарий тадқиқотлар ҳамда амалий бошқарув жараёнларида бошқарув назарияси ва амалиёти ривожига салмоқли ҳисса қўшган қуйидаги учта ёндашувга алоҳида эътибор қаратилмоқда:

1. Вазиятли ёндашув турли бошқарув усулларидаги универсаллиги вазият билан белгиланишига эътибор қаратади, бошқача айтганда, корхонанинг ўзида ҳам, унинг ички ва ташқи муҳитида ҳам юзага келадиган муаммоларнинг муқаррарлиги билан уни бошқаришнинг ягона, “энг яхши” усули мавжуд эмас.

2. Тизимли ёндашув корхонани ўзгарувчан ташқи муҳитда турли мақсадларга эришишга йўналтирилган кадрлар, тузилма, вазифалар ва технология каби ўзаро боғлиқ элементларнинг мажмуи сифатида қаралишини назарда тутаяди.

3. Жараёнли ёндашув бошқарувни ўзаро боғлиқ бошқарув функциялари, бизнес-жараёнларнинг узлуксиз кетма-кетлиги, деб ҳисоблайди.

Туристлик мажмуалар фаолиятида ҳам хизматлар соҳасининг бошқа йўналишларидаги каби моддий ишлаб чиқаришдаги бошқарув жараёнларидан маълум даражада фарқланувчи ҳамда аниқ вазият, жараён ҳамда тизим билан боғлиқ ҳолдаги бошқарув ёндашувлари кўпроқ самарали ҳисобланади.

Бошқарув таълимотлари ичида вазиятли бошқарув назариялари сезиларли аҳамият касб этади. Ушбу назарияларнинг моҳияти турли вазиятларда бир хил бошқарув ҳаракатларининг натижалари бир-биридан сезиларли фарқ қилиши мумкинлиги, шунинг учун режалаштириш, бошқариш ёки назорат қилиш каби барча зарурий бошқарув ҳаракатларини амалга оширишда мутахассислар мавжуд вазиятдан келиб чиқишлари кераклиги билан изоҳланади.

“Вазиятли бошқарув назарияси” тушунчаси биринчи марта Р.Моклер томонидан қўлланилган бўлиб, ушбу тушунчанинг пайдо бўлиши мавжуд бошқарув назарияларининг амалий самарадорлигини етарли даражада эмаслиги билан изоҳланади[5].

Кейинчалик ушбу назария қатор тадқиқотчилар томонидан (М.Фоллет, Р.Стогдилл, П.Дракер, Ж.Вудворд ва бошқалар) ривожлантирилди ҳамда Лоуренс ва Лорш, Фидлер, Хершей ва Бланшард, Хауз ва Митчелл вазиятли бошқарув моделлари яратилди.

Вазиятли ёндашувнинг асосий нуқтаси бу – маълум бир вақтда фаолият натижасига кучли таъсир кўрсатадиган муайян ҳолатлар мажмуи бўлган вазият ҳисобланади. Вазиятли ёндашув анъанавий бошқарув назарияси, хулқ-атвор мактаби ва бошқарув фани мактаби концепцияларини инкор этмайди, ва шу билан бирга, бошқарувнинг тизимли ёндашуви каби ташкилий муаммолар ва уларнинг ечимлари ҳақида фикр юритиш усулидир[6].

Туристтик мажмуалар фаолиятини бошқаришга ёндашувлардан яна бири тизимли ёндашув ҳисобланади ҳамда бу ёндашув бошқарувнинг тизимлилик тамойилини очиб беради ва аниқлаштиради.

Ғарбда бошқарув жараёнларига тизимли ёндашувнинг асосчиси Людвиг фон Бергаланфи ҳисобланади. Л.Бергаланфи томонидан яратилган “тизимларнинг умумий назарияси” бошқарув жараёнларидаги тизимли ёндашувнинг асоси ҳисобланади[7].

Тизимли ёндашув тушунчасининг асосий вазифаси тизимни ўзаро боғлиқ элементлар (қисмлар) мажмуаси сифатида тушунишга асосланган турли тизимларнинг хатти-ҳаракати, фаолияти ва ривожланишини тушунтирувчи қонун ва тамойиллар мажмуини топишдан иборат. Тизим концепцияси тизим таҳлили ва синтезини ташкил этиш ҳамда бошқаришга нисбатан ёндашув ва усуллар мажмуи бўлиб, унда марказий ўринни тизим тушунчаси эгаллайди.

Бошқарув жараёнидаги ўзига хос жиҳатларни ҳисобга олган ҳолда фаолият стратегияси ва тактикасида қўйи поғонадаги мақсадларга эришиш учун операциялар кетма-кетлигини аниқлаш муҳим аҳамиятга эга. Бунинг учун “мақсадлар дарахти” шаклидаги тизимли ёндашув фаолиятнинг мантикий тузилишини, мураккаб муносабатлар шароитида мақсадларни тартибланиш ва муаммоларни аниқлаштириш учун энг мақбул услубий асос сифатида тавсия этилади. Маълумки, мақсадлар дарахти якуний мақсадга йўлни ҳамда шу асосда алоҳида вазифаларни қисқартириш имконини беради.

Туристтик мажмуаларнинг рақобатбардошлигини шакллантиришда бошқарув тузилмасининг фаолият самарадорлиги ушбу мажмуанинг рақобат устунликларини таъминлашдан кўзда тутилган мақсадларга боғлиқ. ШУ нуқтаи назардан, туристик мажмуалар рақобатбардошлигини шакллантиришда уч босқичли “мақсадлар дарахти”ни ишлаб чиққан ҳолда барқарор рақобатбардошликни шакллантириш мақсадга мувофиқ.

“Мақсадлар дарахти”ни уч босқичли мақсадлардан шакллантириш рақобатбардошликнинг асосий ва ундан кейинги мақсадларини аниқлаб олиш ва фаолиятни айнан мана шу мақсадлардан келиб чиққан ҳолда амалга ошириш имконини беради.

Масалан, туристик мажмуалар рақобатбардошлигини шакллантиришнинг биринчи даражали мақсадларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- асосий туристик хизматлар сифатини ошириш;
- туристик мажмуада яратиладиган хизматларга бўлган талабни рағбатлантириш;
- туристик мажмуа ҳудудида талаб юқори бўлган янги хизмат турларини шакллантириш ва ривожлантириш;
- мажмуада инфратузилма тизимларини такомиллаштириш ва ривожлантириш;
- горизонтал ёки вертикал бошқарув асосида ягона мақсад йўлида бирлашган корхоналар тизимини шакллантириш стратегияларини амалга ошириш.

Рақобатбардошликнинг иккинчи ва учинчи даражадаги мақсадлари эса биринчи даражали мақсадлардан келиб чиққан ҳолда шаклланади. Бунда асосий эътибор мажмуанинг рақобат устунлигини таъминловчи омилларни бошқариш ёки уларга таъсир этишни кўзда тутиши лозим. “Мақсадлар дарахти”даги иккинчи ва учинчи даражали мақсадлар қаторига умумий ҳолда қуйидаги мақсадлар киритилиши мумкин:

- кадрлар малака даражасини ошириш;
- жалб этилаётган инвестициялар ҳажмини ошириб бориш;
- даромадлар ҳажмини ошириш;
- мажмуада яратилаётган ҳар бир туристик хизматнинг рақобат устунлигини ошириш;
- етарли ресурс базасига эга бўлган устувор хизмат турларининг барқарор рақобатбардошлигини таъминлаш;
- мажмуада ташкилий ривожланишнинг илғор шаклларида фойдаланиш;
- мажмуадаги ўзаро боғланган тузилмаларнинг функционал фаолиятини яхшилаш;
- мижозларга хизмат кўрсатиш сифатини ошириш.

Туристтик мажмуалар фаолиятини бошқарув жараёнларида кенг қўлланиладиган ёндашувлардан яна бири жараёнли ёндашув ҳисобланиб, бу ёндашув бошқарув жараёнларига ўзаро боғлиқ фаолият ёки функциялар шаклида қарайди.

Жараёнли ёндашувга таянч манбаа сифатида А.Файолнинг қарашларини асос қилиб олган ҳолда бир қатор тадқиқотчилар томонидан жараёнли ёндашув назария шаклига келтирилган. Ушбу ёндашув вакилларининг аксарияти бошқарув жараёнларининг якуний натижасини фаолиятдаги бошқарув сифатида акс этишини таъкидлайдилар.

Жараёнли ёндашув асосчиларидан бири Э.Шухарт ҳисобланиб, у Тейлорнинг аниқ деталнинг алоҳида назорат қилиш бўйича қарашларидан бутун технологик жараёндаги операциялар барқарорлигини назорат қилиш учун назорат карталарини таклиф этди ва бу карталар яратилаётган маҳсулот сифати жараёнли назоратининг дастлабки инструментларидан бири бўлиб қолди[8].

Жараёнли ёндашувда бошқарув жараёни кетма-кет ва параллел ўзаро изчил боғланган режалаштириш – ташкил этиш – мотивлаштириш – назорат функциялар тизими сифатида келтирилиб, шу билан бир қаторда, бошқарув жараёнига алоқа ва қарор қабул қилиш боғловчи жараёнлар боғланади. Бошқача айтганда, алоқа ва қарорлар қабул қилиш кетма-кет тегишли бошқарув функциялари билан бир вақтда амалга оширилади.

Туристтик мажмуалар фаолиятини ривожлантириш ва уларда рақобатбардошликни бошқариш жараёнларида юзага келадиган ўзгаришларни ўлчаш имконияти қуйидаги ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда оммавий ҳодисалар ва миқдорларни тавсифловчи принциплар ва усулларга асосланган мезон ва кўрсаткичлар тизимида тақдим этилади:

- туристик мажмуаларнинг ривожланиш тенденциялари ва ҳозирги ҳолатини аниқлаш;

- туристик мажмуаларга туристлар оқимларининг ҳаракат йўналишлари ва хусусиятларини ўрганиш;

- туристик мажмуаларни ривожлантиришда унинг миқдорий ҳамда сифат хусусиятларини фарқлаш ва баҳолаш.

Хулоса ва таклифлар. Замонавий иқтисодий маконнинг шаклланиши шароитида туристик мажмуалар фаолиятини ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда мутлақ ва нисбий кўрсаткичлар тизими, уларнинг ўзгаришини тавсифловчи умумлаштирувчи кўрсаткичлар тизимига ўртача қийматлар киритилиши керак, бу эса тасодифий ҳолатлар туфайли умумлашган кўрсаткичнинг ҳар бир таркибий қисми хусусиятлари акс этмаган ҳодисаларнинг ривожланиш даражасини акс эттиради. Кўрсаткичларнинг қисман таҳлили туристик мажмуалар фаолиятини ривожлантириш жараёнларини уларнинг таркибий қисмларга бўлиниши ва улар ўртасидаги сабаб-оқибат муносабатларини аниқлаш асосида тузишга имкон беради.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Алимова М.Т. Худудий туризм бозорининг ривожланиш хусусиятлари ва тенденциялари (Самарқанд вилояти мисолида) // И.ф.д. дисс. – Самарқанд: СамИСИ, 2017. 25-26-б.

2. Сурков С.Г. Международный туризм в России: проблемы развития и управления / С.Г. Сурков, В.И. Криворучко. – М.: Советский спорт, 2009. – 214 с.

3. Рамадонова М.М., Макаренко М.А. Государственное регулирование туристической деятельности //Альманах научных работ молодых ученых университета ИТМО. – 2016. – С. 211-213.

4. Шарифхўжаев М., Абдуллаев Ё. Менежмент: Дарслик. — Тошкент, “Ўқитувчи”, 2001 й. –75-77-бб.

5. Вачугов Д.Д. Основы менеджмента: учебное пособие. - М.: Высшая школа, 2005. – С. 59.

6. Мескон М., Альберт М. др. Основы менеджмента, –М.: Дело, 1997. – С. 56.